



SCULPTURAL ART OF ANTIQUITY IN KHOREZM

Ruziboyev Rakhimbergan Ichthyorovich

Teacher of history of School No. 27 of Bagatsky District of the Khorezm region of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13938168>

ARTICLE INFO

Received: 08th October 2024

Accepted: 15th October 2024

Online: 16th October 2024

KEYWORDS

Ancient monuments, Khorezm, sculptural art, terracotta, female sculpture, animal sculpture, ossuary, zoomorphic ceramics.

ABSTRACT

The article examines the sculptural art of Khorezm in the ancient period on the basis of archaeological materials. In Khorezm, the art of sculpture was formed in the Neolithic and Bronze Age. Terracotta made of ceramics and gypsum was found on ancient monuments in Toprak kala, Kalalygyr, Khazarasp, Zhanbas kala, Bazarkala, Teshikkala, Akshakhan kala, Koy-krylgan kala. They are made in the form of a god, a man, a woman and various animal creatures. This material is evidence of the development of Khorezm sculpture of the ancient period.

ХОРАЗМДА АНТИК ДАВР ҲАЙКАЛТОРОШЛИК САЊНАТИ

Рўзибойев Раҳимберган Ихтиёрович

Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Боғот тумани 27-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13938168>

ARTICLE INFO

Received: 08th October 2024

Accepted: 15th October 2024

Online: 16th October 2024

KEYWORDS

Антик давр ёдгорликлари, Хоразм, Ҳайкалтарошлик санъати, терракоталар, аёллар Ҳайкали, Ҳайвонотлар Ҳайкали, астондонлар, зооморфли сопол буюмлар.

ABSTRACT

Мақолада Хоразмнинг антик даврдаги Ҳайкалтарошлик санъати археологик материаллар асосида ўрганилган. Хоразмда Ҳайкалтарошлик санъати неолит ва бронза давридаёқ шакллانган. Антик даврга оид Қойқрилганқалъа, Тупроққалъа, Қалалиқир, Кўзалиқир, Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Тешикқалъа, Қўйқрилганқалъа ёдгорликларидан сопол ва ганчдан ишланган терракоталар топилган. Улар маъбуд, эркак одам, аёл ва турли хил жонзодлар кўринишида ясалган. Мазкур ёдгорликлардаги Ҳайкаллар таҳлиллари Хоразмда антик даврда Ҳайкалтарошлик санъатнинг тараққий қилганлигидан далолат беради.

АНТИЧНАЯ СКУЛЬПТУРА В ХОРЕЗМЕ

Рўзибойев Раҳимберган Ихтиёрович

Учитель истории школы №27 Багатского района Хорезмской области Республики Узбекистан



ARTICLE INFO

Received: 08th October 2024

Accepted: 15th October 2024

Online: 16th October 2024

KEYWORDS

Античные памятники,
Хорезм, скульптурное
искусство, терракота,
женская скульптура,
скульптура животных,
оссуарий, зооморфная
керамика.

ABSTRACT

В статье на основе археологических материалов исследуется скульптурное искусство Хорезма в античном периоде. В Хорезме искусство скульптуры сформировалось еще в эпоху неолита и бронзы.

Терракота, изготовленная из керамики и гипса, была найдена на античных памятниках в Топрак кала, Калалыгыр, Жанбас кала, Базаркала, Тешиккала, Акшахан кала, Кой-крылган кала. Они выполнены в виде бога, мужчины, женщины и различных животных существ. Данная материалы является свидетельством развития скульптуры Хорезмда античного периода.

Хоразмда сопол ҳайкалларнинг илк намуналари мил. авв. III-минг йиллик охири II-минг йиллик бошларига оид ёдгорликларда қайд қилинган бўлса ҳам ҳанузгача ушбу саънат тури батафсил ўрганилмаган.

Архаик даврга келганда Хоразмда қадимги Шарқ халқлари санъати таъсирида ҳайкалтарошлик санъати ривожланди. Бу даврдаги ҳайкалчалар япалоқ ва шартлидир. Бу ҳайкалчаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда ўймакорлик усули билан туширилган кийим безаклари тафсилотига зўр эътибор берилган. Бу услуб илдизлари «деворлари ичида аҳоли яшайдиган шаҳарлар» замонида бориб тақалади. Кейинроқ, мелод бошларида яратилган дея ҳисобланувчи ҳайкалчалар йирик ва тамомила ҳаққонийдир. Одамларнинг тасвири ҳайкалчалар билан бир қаторда, идишларга ҳам бўрттириб туширилган. Ҳайвонларнинг тасвирлари ичида баъзан схематик тарзда ишланган отларнинг фигурачалари ва бошчалари кўпроқ. Хоразмнинг антик давр ёдгорликларидан қайд қилинган кўплаб ҳайкаллар кичик ҳажмда ишланган. Бундай кичик ҳайкалчалар илмий адабиётларда терракоталар деб аталади.

Терракота— лойдан ишланиб хумдонда пиширилган, сирланмаган ва ранг берилмаган майда ҳайкалчалардир. Улар қиздирилгандан сўнг ўзига хос тус сарғиш, қизғиш-жигарранг, қора ва сирт (фактура)га эга бўлади.

Бундай сопол ва ганчдан ишланган терракоталар Қойқрилганқалъа, Тупроққалъа, Қалалиқир, Кўзалиқир, Хазаросп, Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Тешикқалъа, Қўйқрилганқалъа, Қалъалиқир ёдгорликларидан топилган. Жумладан, С.П. Толстов раҳбарлигидаги археологик экспедициялар натижасида воҳадан 400 га яқин турли хил ҳайкалчалар қайд қилинган. Улардан 250 тадан ортиқроғи аёллар ҳайкалчасини ташкил этади. Ҳайкалтарошлик саънати намуналари заҳираси сўнгги йилларда маҳаллий археологлар томонидан бойитилиб бормоқда. Уларнинг аксарияти мил. авв. IV-III асрлардан мелодий IV асрга тааллуқли ҳисобланади. Маълумки, бу даврда қадимги Хоразм маданияти ҳар томонлама юксак даражада ривожланган.

Антик даврга оид Хоразм ҳайкалтарошлик санъатида турли хил қиёфадаги аёллар, эркак кишининг боши қисми, ҳукмдорлар, отлиқ чавондоз, зооморфли сопол буюмлар,



от, кийик, афсонавий қуш, туя, шер боши каби ҳайкаллар кенг тарқалган. Ўша даврга оид сопол ҳайкалчалар асосан қизил, сариқ ва жигарранг буёқларда, нафис дид билан чиройли қилиб бўялганлиги ҳар қандай кишининг эътиборини ўзига жалб қилади. Бу эса кулолчилик ҳунармандчилигида, айниқса сопол ҳайкалчаларни ясашда янги техник услуб қўлланила бошланганлигини кўрсатади.

Археологик топилмалар ичида Хоразм ҳосилдорлик маъбудаси Анахитанинг қиёфаси акс эттирилган кўплаб ҳайкалчаларни учратишимиз мумкин. Улар турли хил ўлчамда бўлиб, аксариятининг ўртача баландлиги 7-20 см, энига 5-10 см, қалинлиги 4-7 см ни ташкил этади. Қўйқрилганқалъадан қайд қилинган ҳайкалчалардан бирида Анахита бир қўлини кўксига қўйиб, иккинчи қўлини осилтириб турган ҳолда, иккинчи ҳайкалчада ўнг қўлида амфора (қўш кулоқли кўза) ва чап қўлида коса ушлаган қиёфаси кўрсатилган. Мазкур ҳайкаллар Хоразмнинг антик Юнонистон билан маданий алоқаларидан гувоҳлик беради.

Антик давр Хоразм ҳайкалторошлигида маъбуд ва маъбудалардан ташқари, реализм жанрида ишланган ҳайкаллар ҳам кўплаб учрайди. Улардан Қойқрилганқалъа, Тупроққалъа ва Бургутқалъа яқинидан эркак одам боши қиёфасидаги ҳайкаллар топилган. Қойқрилганқалъадаги ҳайкалда одам қиёфаси боши чўзинчоқ, қирра бурун, кўзлари катта, соқолдор ва учқур бош кийимда ифодаланган. Бургутқалъадаги эркак киши боши юмолоқ, кўзлари ва бурни катта, пешонаси чўзинчоқ қиёфада акс эттирилган. Одам қиёфасидаги ҳайкаллар турли буюмларга ҳам қўшиб ясалган. Улардан Қойқрилганқалъадан мил. авв. II-I асрларга оид 2 та астадон топилган. Биринчи астадон квадрат шаклида бўлиб, катталиги инсон гавдасининг ярмигача келадиган аёл кишининг ҳайкали унга туташтириб ишланган. Иккинчи астадонга эса эркак киши ҳайкали ўрнатилган. Бундай юқори қисмида эркак ва аёл ҳайкаллари акс эттирилган астадонлар Жонбосқалъа, Катта Қирққиз қалъа, Одамли қалъа, Катта Ойбуйир қалъа каби ёдгорликлардан кўплаб топилган.

Айниқса, Тупроққалъа ёдгорлигини қазिश жараёнида 8 та сарой зали аниқланган. Заллар бўртма нақшлар ва рельефли ҳайкаллар билан безатилган. Сарой деворларига ишланган расм ва ҳайкаллар мелодий I-III асрларга тааллуққидир. Ҳайкаллар асосан лойдан, қисман ганчдан тайёрланган. Улардан катта ҳайкаллар, барельфлар (текис деворга бўртириб ишланган ҳайкал-тасвирлар) қурилиш архитектураси билан уйғунлаштирилган ва деворий расмлар билан ҳамоҳанг мазмун касб этган. Кишиларнинг қиёфалари табиий рангларга ўхшаш рангларда берилган. Ёдгорликдаги тўққизта хонадан 138 га яқин ҳайкал ва ҳайкалчаларнинг фрагментлари қайд қилинган. Жумладан, иккитасининг боши синган, тана қисми бутун, тўртта бош қисми (улардан биттаси узун бош кийимли, иккитаси оддий бош кийимли, биттаси бош кийимсиз), оёқ-қўлсиз бутун тана ва шуларга ўхшаш сон-соноқсиз парчалар топилган. Улар орасида ҳақиқий ҳажмига яқин бўлган чавондоз рельефи диққатга сазовардир. Рельефда отнинг безатилган айил боғланган биқини ва чавондоз чакмони бурмалари бўртиб чиққан ҳолда акс эттирилган.

Тупроққалъа саройидаги ҳайкалларнинг рамзий жойлаштирилишига назар ташласак, «Шоҳлар хонаси»даги ҳайкаллар гуруҳида аждодлар илоҳийлаштирилган бўлиши мумкин, «Ғалаба хонаси»даги горельефларда шоҳ шон-шавкати қурилиш



архитектураси билан уйғунлаштирилган ҳолатда ифодаланган, «ҳарбийлар хонаси»да шохлар улкан, жангчилар кичик ҳажмда акс эттирилган ва бошқа рамзий аталган сарой хоналари ҳайкаллари бўртма тасвирлар ҳамда рангтасвир билан безатилган. Улардан «ҳарбийлар хонаси»нинг токчаларида қора соқолли, қора сочли, қора танали жангчиларнинг ҳайкаллари қўйилган. С.П.Толстовнинг фикрича, ушбу «жангчилар» дравид тилида гаплашувчи Ҳиндистонда яшовчи қавм вакилларида ёлланма армия бўлиши мумкин. Бугунги кунда бу тўғрисида баъзи мутахассислар саройда ёнғин бўлиши оқибатида жангчилар қиёфаси қора рангга айланган деган фикрларни билдиришмоқда.

Аксарият ҳайкаллар ёдгорликнинг “Шохлар хонаси” дан топилган. Бу катта зал саройнинг шимоли – шарқида жойлашган бўлиб, ҳажми 20 х 20 метрга тенг. Деворлардаги токчалар шаклдор ғиштдан қурилган юпқа панжара деворчалар токчаларни бир-биридан ажратиб туради. Ҳар бир токчада бир гуруҳ ҳайкаллар жойлаштирилган. Бу токчаларнинг иккитасида одам гавдасидан катта ҳажмдаги эркак ҳайкаллар ўрналаштирилган бўлиб, уларнинг атрофида 3-5 тадан эркак, аёл ва болалар ҳайкаллари аниқланган.

Тадқиқотчилар фикрларига кўра, улардан ўтирган ҳолатдаги ҳайкаллар шохларники, атрофидаги ҳайкаллар эса ойла аъзолари ва ҳомий маъбудалар ҳайкаллари ҳисобланади. Токчаларнинг биридан топилган қўлида қизил олма ушлаган аёл ҳайкалчаси бунинг ярқин далилидир. Бу ҳайкал ҳосидорлик худоси Анахита ёки Мина учун характерли тимсол ҳисобланади.

Булардан ташқари, “Қизил бош”, “Вазамир қаллиғининг боши” деб номланувчи ҳайкаллар қадимги хоразмликлар қиёфасини акс эттирувчи манбалардан бири ҳисобланади. Бургутқалъа яқинидан мил. авв. II-I асрларга тааллуқли “отга минаётган чавондоз” ҳайкалчаси топилган. От ҳайкалчасининг тўрттала оёқчаси қавариқ нарсага миндирилиб ишланган. От қўйруғи ва орқа оёқлари тиззаси билан туташтирилган кўринишда ясалган. Отнинг бўйни, ёли, қўйриғи, устидаги эгар-жабдуқлари, икки томони тўла хуржун ўзига ярашиб турибди.

Ҳайкалчадаги чавондознинг бир оёғи баланд супачага тиралган бўлса, иккинчи оёғи от эгари устига кўтарилган. Афсуски, отнинг боши ва одамнинг белидан юқори қисми синиб йўқолган. Ҳайкалча қизил лойдан, қаттиқ пишириб ясалган, очиқ жигар ранг ялтироқ ранга бўялган.

Таъкидлаш жоизки, Хоразмнинг антик даврдаги ёдгорликларидан қайд қилинган ҳайкалчаларнинг деярли барчаси синиқ, фрагмент ҳолатда учрайди. Тарихий манбаларга кўра бу зардўштийлик динидаги урф-одат ва анъаналарга боғлиқ удум ҳисобланган.

Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Зардўштийлик динидаги Бухоро аҳолиси ҳар йили Наврўз байрами куни шахсан подшоҳ иштирок этадиган бозордан худоларнинг ҳайкаллари сотиб олишларига тўхтаб ўтилган. Унинг ёзишича, “Бухорода бир подшоҳ бўлиб, унинг номи Моҳ эди. Унинг фармони билан хунарманд ва дурадгорлар у йилдан бу йилгача бут (ҳайкалча) ясашиб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишар экан. Қачонки қайси хонадонда бут йўқолса, синса ёки эскирса шу бозор куни бошқасини сотиб олар ва эскисини синдириб ташлар экан”.



Эҳтимол, бу удумни зардўштийлик динидаги қадимги Хоразм аҳолиси ҳам қўллаб, ҳайкалчаларни ҳар наврўз янғиси билан алмаштирган бўлиш мумкин.

Мазкур археологик материаллар Хоразм воҳасида антик даврдаёқ ҳайкалторошлик саънати Шарқ ва Ғарб маданияти билан ҳамоҳонг ривожланганлиги кўрсатади. Ҳайкалторошлик намуналарида қадимги хоразмликларнинг мифологик ва диний дунёқарашлари акс эттирилган. Улар орасида ҳосилдорлик маъбудаси Анахитанинг қиёфаси акс эттирилган кўплаб ҳайкалчалар учрайди. Шунингдек, реализм жанридаги одам боши, жангчи, отли чавондоз, мусиқачи аёл қиёфасидаги ҳайкалчалар ҳам мавжуд.

Хулоса қилиб айтганимизда, ҳайкалторошлик саънати антик даврдаги Хоразм воҳаси халқлари қиёфасини, этнографиясини, дунёқарашини, эстетик тафаккурини, ҳаёт тарзини ифодаловчи муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Бу даврдаги Хоразм воҳасидаги археологик тадқиқотлар натижасида қайд қилинган ақлни лол қолдирувчи сополдан ишланган ҳайкалчаларнинг беқиёс гўзаллиги, терракот ҳайкалчалар ва рельефли тасвирларнинг ўта нозик дид билан ясалганлиги ва ёрқин бўёқлари Хоразмда ҳайкалторошлик саънاتининг ўта тараққий этганлигидан ва юксак маънавиятга эга бўлганлигининг яққол исботидир.

References:

1. Воробьева М.Г. Ранние терракоты древнего Хорезма //История, археология и этнография Средней Азии. –М.: Наука,1968. –С.135-147.
2. Кой-крылган кала. Памятники культуры древнего Хорезма. Ответст. ред.С.П. Толстов - М, 1967.
3. Муҳаммад Наршахий. Бухоро тарихи. –Тошкент. Фан, 1966.-Б.27.
4. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. –М.: -1962.
5. Топраккала - дворец// ТХАЭЭ. Том-XIV . –Москва. «Наука». 1984.